

2008-2-сон

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлардаги тафовутлар аниқланмасдан зарар қопланганлиги ҳақида нотўғри хулосага келиниб енгил жазо тайинланиши суд қарорлари бекор бўлишига сабаб бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2007 йил 22 мартдаги ҳукмига асосан фуқаро С. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига судланган, Жиноят кодексининг 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган.

Судланувчи С. томонидан жиноят оқибатида етказилган 26.896.000 сўм моддий зарар “Қўнғирот сода заводи” фойдасига ундирилиши белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди кассация инстанциясининг 2007 йил 3 октябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, С. “Дезри” хусусий корхонасининг бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, корхона балансида тош майдалаш ускунаси йўқлигини билгани ҳолда “Қўнғирот сода заводи” директори У. билан жиноий тил бириктириб, транспорт конвейерларини заводга 120.000.000 сўмга сотиш тўғрисида шартнома тузишган. “Шатранж-бах” МЧЖ, “Ал-Мух-Жум” хусусий фирмаси, “Қорақалпоқ ТЭП” МЧЖ, “Раёсат-омад” МСЖ раҳбарлари билан жиноий тил бириктириб, шартномага асосан “Дезри” хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказилган 120.000.000 сўм маблағни юқоридаги ташкилотлар ҳисоб рақамига ўтказиб 82,84 фоиз ҳисобидан 94.283.500 сўм пулни нақдлаштириб олган ва ташкилотларга кўрсатилган

хизмат учун жами 18.952.500 сўм пул маблағини қолдириб, ўзганинг 18.952.500 сўм маблағини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

С. жиноий ҳаракатларини давом эттириб, нақдлаштириб олинган пуллар ҳисобидан 65.700.000 сўмга “Қаратау нуредник” МЧЖдан ва фуқаро А.Туремуратов, М.Жидекулов ва бошқалардан илгари ишлатилган, қўлбола усулда ишланган, таъмирталаб ускуналарни сотиб олиб, қалбаки ҳужжатлар асосида “Дезри” хусусий корхонасига, кейинчалик “Қўнғирот сода заводи” ҳисобига ўтказган.

С. жиноий шериги У. билан “Қўнғирот сода заводи”нинг 47.536.000 сўм пул маблағини талон-торож қилишган.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори 3-бандида қайд этилган ҳукм фақат ЖПК 26 - ва 465-моддаларига биноан суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилмаган.

Судда судланувчи ва гувоҳларнинг вазлари ва уларнинг кўрсатмаларидаги қарама-қаршиликлар сабаблари атрофлича текширилиб баҳоланмаган.

Шунингдек, жиноят иши материалларидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг асбоб-ускуналар етказиб бериш тўғрисидаги шартнома бўйича барча сотиб олинган ускуналарнинг сотиб олинган вақтдаги қиймати 99.102.243 сўмни ташкил этиши ҳақида;

“Саноатконсалтинг” Ташқи иқтисодий консалтинг МЧЖнинг асбоб-ускуналар етказиб бериш тўғрисидаги шартнома бўйича барча сотиб олинган ускуналарнинг сотиб олинган вақтдаги қиймати 201.827.899 сўмни ташкил этиши ҳақида;

“Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати” ОАЖ экспертларининг асбоб-ускуналарнинг айрим қисмлари қўлбола тайёрланганлиги, улар техник ҳолатига кўра ишлатишга яроқсиз эканлиги ҳақида хулосалар берилган бўлиб;

судда жиноят ишидаги бу экспертиза хулосалари бўйича бир хил фикрга келинмай, экспертларнинг юқоридаги қарама-қарши фикрлари баҳоланмаган, оқибатда талон-торож қилинган суммалар ўртасида жиддий тафовутлар бартараф этилмасдан моддий зарарни ундириш масаласида нотўғри хулосага келинган.

Бундан ташқари, суд С.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида аниқ хулосага келган бир вазиятда, унга нисбатан жазо тайинлаш масаласини ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори 29-бандида қайд этилган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилмасдан, С. мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб ваколатидан қасдан фойдаланиб, ўзганинг 47.536.000 сўм пул маблағини талон-торож қилганлиги, моддий зарарнинг ўрни қопланмаган бўлишига қарамасдан судланувчига бир мунча енгил жазо тайинлаган.

Кассация инстанцияси суди биринчи босқич судида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрмасдан, жиноят оқибатида “Қўнғирот сода заводи”га етказилган моддий зарар ўрни қопланмаган бўлса-да, заводнинг қурилиш дирекцияси томонидан берилган “С.га нисбатан даъволари йўқлиги ҳақида”ги хатига асосланиб, моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 29 ноябрдаги ажрими билан С.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари

бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига юборилди.

ЖСҲ-358-07 сонли ажрим